



## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين والصلاة والسلام على سيدنا ونبينا محمد الأمين ، وعلى آله وصحبه أجمعين، أما بعد:

### ҲАЛОЛ ТАДБИРКОР – ЭЛГА МАДАДКОР

**Мухтарам жамоат!** Динимизда ҳалол касб қилишга тарғиб қилинган бўлиб, танбаллик ва ишқмаслик каби кишининг ўзига ҳамда жамиятига зарар келтирувчи иллатлардан қайтарилган. Киши бировга мухтож бўлмаслик учун меҳнат қилар экан, ҳам ўзининг инсонлик шарафини ҳимоя қилади, ҳам Яратганнинг амрига итоат этади. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда касбу кор қилишга амр қилиб шундай деган:

هُوَ الَّذِي جَعَلَ لَكُمْ الْأَرْضَ ذُلُولًا فَأَمْشُوا فِي مَنَاكِبِهَا وَكُلُوا مِنْ رِزْقِهِ وَإِلَيْهِ النُّشُورُ

яъни: “У (Аллоҳ) сизларга Ерни хоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган зотдир. Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида (саёҳат, тижорат ёки дехқончилик қилиб) юраверингиз ва (Аллоҳнинг берган) ризқидан тановул қилингиз! (Қиёмат куни) тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир” (Мулк сураси 15-оят).

Ҳалол ризқ йўлида қилинадиган саъй-ҳаракатлар учун улкан савоблар ваъда қилинган бўлиб, ҳатто бу нарса фарз даражасига кўтарилгандир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

"طَلَبُ كَسْبِ الْحَلَالِ فَرِيضَةٌ بَعْدَ الْفَرِيضَةِ" (رواه الإمام البيهقي عن عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ).

яъни: “**Ҳалол касб қилиш фарздан кейинги фарздир**” (Имом Байҳақий ривоятлари).

Имом Муҳаммад аш-Шайбоний илм талаб қилиш қандай фарз бўлса, ҳалол касб қилиш ҳам худди шундай фарздир, деганлар.

Мўмин киши ҳалол ризқ топиш ҳаракатида бўлганда, Аллоҳнинг амрига мувофиқ амал қилиши билан бирга Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг кўрсатмаларига ҳам амал қилаётган шахс ҳисобланади. Зеро, Расули акрам саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

"مَا أَكَلَ أَحَدٌ طَعَامًا قَطُّ خَيْرًا مِنْ أَنْ يَأْكُلَ مِنْ عَمَلِ يَدِهِ" (رواه الإمام ابن ماجه عن الْمُقَدَّمِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ).

яъни: “**Киши ўз қўл меҳнати билан топганидан кўра яхшироқ ва покizarоқ таом емайди**” (Имом Ибн Можа ривоятлари).

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, ҳозирги пайтда ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларимизга жуда кўп имкониятлар яратилмоқда. Мана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳалол ризқ талабида бўлсак, ўзимиз ва ўзгаларни фаровон ҳаёт кечиришлари ҳамда мусулмон кишини иш билан таъминлаш ва уни ҳожатини чиқаришга сабабчи бўламиз, иншааллоҳ. Чунки,

мусулмон биродарининг қалбига хурсанчилик киргизиш Аллоҳнинг наздидаги энг афзал ва суюкли амалдир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

أَحَبُّ النَّاسِ إِلَى اللَّهِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ، وَأَحَبُّ الْأَعْمَالِ إِلَى اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ سُرُورٌ تُدْخِلُهُ عَلَى مُسْلِمٍ، تَكْشِفُ عَنْهُ كُرْبَةً، أَوْ تَقْضِي عَنْهُ دَيْنًا، أَوْ تَطْرُدُ عَنْهُ جُوعًا، وَلَئِنْ أَمْشَيْتَ مَعَ أَخٍ فِي حَاجَةٍ؛ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ أَنْ اِعْتَكِفَ فِي هَذَا الْمَسْجِدِ يَعْنِي مَسْجِدَ الْمَدِينَةِ شَهْرًا، وَمَنْ كَظَمَ غَيْظَهُ وَلَوْ شَاءَ أَنْ يُمَضِّيَهُ أَمْضَاهُ؛ مَلَأَ اللَّهُ قَلْبَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ رِضًا، وَمَنْ مَشَى مَعَ أَخِيهِ فِي حَاجَةٍ حَتَّى يَقْضِيَهَا لَهُ؛ ثَبَّتَ اللَّهُ قَدَمَيْهِ يَوْمَ تَرُلُّ الْأَقْدَامُ  
(رواه الإمام الطبراني عن ابن عمر رضي الله عنهما)

яъни: *“Аллоҳга энг севимли банда одамларга кўпроқ манфаати тегадиганидир. Аллоҳ таолога энг маҳбуб амал мусулмоннинг қалбига хурсандчилик киргизишингиз, ундан гам ташвишларини аритишингиз, зиммасидаги қарзини узиб беришингиз, очлигини кетказишингиздир. Мусулмон биродаримнинг ҳождатини чиқариш йўлида юришим Масжидун Набавийда бир ой эътикоф ўтиришимдан яхшироқдир. Ким ўч олишга қодир бўла туриб газабини ютса, Аллоҳ унинг қалбини қиёмат кунда ўзининг розилиги билан тўлдиради. Ким биродарининг ҳождати билан юриб, уни раво қилса, Аллоҳ қадамлар тоядиган кунда унинг қадамларини собит қилиб қўяди”* (Имом Табароний ривоятлари).

Мазкур ҳадисдан, модомики банда биродарининг ёрдамида бўлар экан, Аллоҳ таоло унинг ёрдамида эканлиги маълум бўлади.

**Азизлар!** Шунинг унутмаслигимиз керакки, молу давлат берилган кимсаларнинг молларида камбағалларнинг ҳаққи бор. Ўша ҳақларни адо қилсалар уларга жаннат ваъда қилинган. Шундай экан, муҳтож кимсалар уларнинг олдига такрор-такрор боришларидан малолланмасинлар. Зеро, Аллоҳ азза ва жалла бошқа мусулмонларнинг ҳождатлари билан машғул бўлишлари учун уларга неъматлар ато қилгандир. Агар улар бу неъматнинг ҳаққини адо қилиб, ўз эгаларига топширсалар, Аллоҳ уларни неъмат ичра бардавом қилади ва барокатли қилади. Агар малоллансалар, Аллоҳ таоло улардан бу неъматини олиб қўяди, бошқа бандаларига беради. Бу ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

إِنَّ اللَّهَ عِنْدَ أَقْوَامٍ نِعْمًا أَقْرَبَهَا عَنْدَهُمْ مَا كَانُوا فِي حَوَائِجِ الْمُسْلِمِينَ مَا لَمْ يَلُوهُمْ، فَإِذَا مَلُوهُمْ  
نَقَلَهَا اللَّهُ إِلَى غَيْرِهِمْ (رواه الإمام الطبراني عن عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رضي الله عنهما)

яъни: *“Баъзи кишиларга Аллоҳ таоло неъмат ато қилганки, модомики улар мусулмонларнинг ҳождатини чиқаришда малолланмасалар, Аллоҳ таоло улардаги бу неъматни бардавом қилиб беради. Бордию, малолланадиган бўлсалар, улардаги неъматларни ўзгаларга ўтказиб юборади”* (Имом Табароний ривоятлари).

Демак, Аллоҳ таоло кимни мусулмонларнинг ҳождатларини чиқаришга муяссар қилган бўлса, бу у киши учун катта бахт ва улкан шарафдир.

Шундай экан, бировга ёрдамимиз тегишидан хурсанд бўлишимиз ва мана шундай мартабани берган Аллоҳга доимо ҳамд айтиб, бу эзгу ишда пешқадам ва бардавом бўлишимиз керак. Бу ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

"وَاللَّهِ فِي عَوْنِ الْعَبْدِ، مَا كَانَ الْعَبْدُ فِي عَوْنِ أَخِيهِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ).

яъни: **“Модомики киши биродарини ёрдамида экан, Аллоҳ уни ёрдамидадир”** (Имом Термизий ривоятлари).

Демак, ҳар бир тадбиркор кўни-кўшни, қавму қариндошлари ичида иш топа олмайётган кимсаларга ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб, иш билан таъминлаб, бола-чақасини ҳалол касб билан таъминлашига сабабчи бўлса, юқоридаги ажру савоб ва ваъдаларга эришади, иншааллоҳ.

Афсуски, бугунги кунимизда баъзилар томонидан содир бўлаётган **тоштарозудан уриб қолиш, шартнома ва ваъдага вафо қилмаслик, шубхали ёки сифатсиз (халққа зарарли) маҳсулотларни сотиш, хизматни сифатли бажаришга ахдлашиб, аҳдини бажармаслик, халққа зарур бўлган озиқ-овқат ва дори-дармонларнинг нархини асоссиз, сунъий равишда қиммат қилиш каби ишлар шарият чегарасидан чиқиш ва Аллоҳни ғазабига дучор бўлишдир.** Ваҳоланки, Аллоҳ таоло саховатли, мард ва ўзгаларга фойдаси тегадиган кишиларни севади. Киши халққа фойда келтира олмайётган бўлса, ҳеч бўлмаса, зарари тегмай туришининг ўзи ҳам катта ёрдам! Мана шунинг ўзи такво бўлади. Шунинг учун ҳам Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳга такво ҳақида бирорта китоб ёзиб беринг дейилганда: **“Ана савдо-сотик ҳақида китоб ёзиб қўйибман-ку!”**, – деган эканлар. Демак, кишининг таквоси ўзаро олди-берди муомалаларида ва бандалар олдидаги ўзининг бурчларини ўтаётганда ҳам билинади.

**Муҳтарам азизлар!** Уламоларимиз тирикчилик учун касб-кор қилиш орқали мол топишни бир неча даража ва мартабаларга бўлганлар.

**Биринчиси** – фарз даража бўлиб, бу кишининг ўзи ва оиласининг зарурий эҳтиёжларини қондириш ҳамда қарзларини узишга етадиган миқдордаги маблағни топишдир.

**Иккинчиси** – мустаҳаб даража бўлиб, бу ўзининг эҳтиёжидан ташқари фақир-камбағалларга ҳам ёрдам бериш, дўст-ёр ва яқинларига мурувват кўрсатиш мақсадида мол-дунё орттиришга ҳаракат қилишдир. Ўзгаларга ёрдами тегадиган кишини Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам мақтаб бундай деганлар:

"أَحَبُّ النَّاسِ إِلَى اللَّهِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ" (رواه الإمام الطبراني عن ابن عمر رضي الله عنهما).

яъни: **“Одамларнинг ичида Аллоҳга энг маҳбуби одамларга кўпроқ манфаати етадиганидир** (Имом Тобароний ривоятлари).

**Учинчиси** – мувоҳ даражадаги касбу кор. Бу фаровон ҳаёт кечириш учун зиёда мол орттирмоқ. Бу ҳам агар ҳалолдан бўлса жоиздир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай марҳамат қилганлар:

"مَنْ طَلَبَ الدُّنْيَا حَلَالًا اسْتَعْفَا عَنْ الْمَسْأَلَةِ وَسَعِيَ عَلَى الْعِيَالِ وَتَعَطَّفًا عَلَى الْجَارِ لَقِيَ اللَّهَ تَعَالَى وَوَجْهَهُ كَالْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ" (رواه الإمام البيهقي عن أبي هريرة رضي الله عنه).

яъни: **“Ким одамларнинг кўлига қарам бўлмаслик, оиласини боқиш ва кўни-кўшнларига мурувват қилиш учун ҳалол мол-дунё талаб қилса, юзи тўлин ой каби порлаган ҳолда Аллоҳга йўлиқади”** (Имом Байҳақий ривоятлари).

**Тўртинчиси** – макруҳ даража бўлиб, бу манманлик, кеккайиш, кибру ҳаво ва мактаниш учун гарчи ҳалолдан бўлса ҳам мол-мулк топиш. Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"وَمَنْ طَلَبَ الدُّنْيَا حَلَالًا مُفَاخِرًا مُرَائِيًا مُكَاتِرًا لَقِيَ اللَّهَ تَعَالَى وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانٌ"

(رواه الإمام البيهقي عن أبي هريرة رضي الله عنه).

яъни: **“Ким мол-дунёни мактаниш, кўз-кўз қилиш ва бошқалардан кўплиги билан фахрланиш учун талаб қилса, Аллоҳ таолога унга зааб қилган ҳолида йўлиқади”** (Имом Байҳақий ривоятлари).

Эрта билан ҳалол ризқ топаман, шу орқали болаларимни боқаман, деган эзгу ва покиза ниятларда ишига йўл олган инсонга Аллоҳ хузурида улғу ажрлар ёзилади. Шунинг учун Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

"مَنْ بَاتَ كَأَنَّ مِنْ طَلَبِ الْحَلَالِ بَاتَ مَغْفُورًا لَهُ" (رواه الإمام ابن عساكر عن عائشة رضي الله عنها).

яъни: **“Ким ҳалол меҳнат қилиб, ҳориб чарчаган ҳолда ўрнига ётса, тунги гуноҳлари кечирилган ҳолда ўтади”** (Имом Ибн Асокир ривоятлари).

Дарҳақиқат, ризқни берувчи Аллоҳ эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ризқни қанча миқдорда бериш Аллоҳ таолога ҳавола, банданинг вазифаси эса ҳаракат қилиш бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

قُلْ إِنَّ رَبِّيَ يَبْسُطُ الرِّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَهُوَ يُخْلِفُهُ

وَهُوَ خَيْرُ الرَّازِقِينَ (سورة سباء/39).

яъни: **“Айтинг: “Албатта, Раббим бандаларидан Ўзи хоҳлаганига ризқни кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаганига ризқни) танг қилур. Бирор нарсани (муҳтожларга холис) эҳсон қилсангиз, бас, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур. У ризқлантирувчиларнинг яхшисидир”** (Сабаъ сураси, 39- оят).

Биз ниятимизни тўғри қилиб, Аллоҳ таолодан сўраб ҳалол касбу-ҳунар қилсак, берган ризқига шукрона қилсак, иншоаллоҳ, турмушимиз янада фаровон, юртимиз тинч, Осмонимиз мусаффо бўлади.

Аллоҳ таоло барча тадбиркорларимизнинг касбу корларига барака бериб, ҳалолдан ризқ-рўз топишни насиб айлаб, халқимиз турмушида фаровонликни янада зиёда айласин! Омин!

*Келаси жума маърузаси “Динимизда соғлом турмуш тарзига эътибор” ҳақида бўлади, иншааллоҳ.*